

ҚОРАМОЛЧИЛИҚДА СУТ МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ

Абруев Акмал Исмаилович,
СамҚХИ катта илмий ходим-изланувчиси
E-mail: samai_akmal@yahoo.com

Аннотация: Мақолада қорамолчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни ривожлантириш ҳамда иқтисодий-статистик таҳлилнинг “таққослаш” усули ёрдамида қорамолчиликда сут ишлаб чиқариш омилли таҳлил этилган. Бундан ташқари 2002-2016 йиллар оралигида қишлоқ хўжалигида олиб борилган иқтисодий ислохотлар таҳлил этилиб, вилоятда, қолаверса мамлакатимизда қорамоллар маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилувчи сервис хизматларини давлат томонидан янада рағбатлантириш, ушбу тармоқда мулкчилик шакллари кўпайтириш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантириш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Аннотация: В статье с помощью метода «сравнения» экономическо - статистического анализа приведен факторный анализ производства молока для определения факторов влияющих на увеличения производство скотоводства продукции. Кроме того, были изучены экономические реформы в сельском хозяйстве за период 2002-2016 годы, В работе приведены выводы и предложения по формированию полноценной конкурентоспособной путем увеличения формы собственности, Государственной поддержки сервисных услуг, способствующих увеличению продуктивности скотоводства в стране.

Annotation: Current article studied factorial analysis of milk production cattle-breeding base of “comparison” method of economic statistical analysis and define them and the way of development. Moreover, economic reforms in agriculture were studied to period 2002-2016, concluded that in region, besides in country need to continuation of reforms in the services sector in order to achieve growth productivity of cattle-breeding, and propositions about the ways of increase the number of non-government services for create self-competition environment in this sector.

Калит сўзлар: агросервис хизматлари, моддий-техника таъминоти, наслчилик хизмати, зооветеринария хизмати, ем-хашак билан таъминлаш, банк хизматлари.

Кириш

Мамлакатимизда қорамол бош сонини кўпайтириш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда Биринчи Президентимизнинг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-308-сонли ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни

кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-842-сонли қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилди ва бугунги кунда ҳам хизмат қилмоқда.

Маълумки, қорамолчилик маҳсулотлари етиштиришда унга таъсир этувчи омилларнинг таъсирини ўрганиш энг долзарб масала ҳисобланади. Тармоқда сут маҳсулдорлигига таъсир этувчи омилларни ўрганмасдан ва амалиётда улардан фойдаланмасдан туриб, ялпи маҳсулот ҳажмини ошишига, аҳоли ва қайта ишлаш корхоналарининг арзон ва сифатли сутга бўлган эҳтиёжларини қондиришга эришиб бўлмайди. Фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилаётган чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликлари молхоналарини асосан аҳоли пунктларидан чеккароқ жойларда жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида соғлом турмуш тарзи, атроф-муҳит, эко-туризм ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини яратиб бермоқда.

Жаҳон хўжалигида “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши – аҳоли сони ва эҳтиёжларнинг ўсишидан ортда қолмоқда” [2]. Айни шу вақтда, Ўзбекистонда - олиб борилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, йилдан-йилга аҳолини зарур қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлаш учун уларни тиббий даражаси тиббий меъёрларга мос ҳолда ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Статистик маълумотларни [3] таҳлил қиладиган бўлсак, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотлари тиббий меъёрларга нисбатан бирмунча юқорилигини кўришимиз мумкин. Лекин сут ишлаб чиқаришни қайси омиллар ҳисобига ошаётганлигини таҳлил қилиб, улардан хўжалик юритувчи субъект (деҳқон ёки фермер хўжалиги) учун кўпроқ самара берадиганларидан келгусида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Қишлоқ жойларда агросервис соҳасини ривожлантириш орқали барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан, уларни замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш ва фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш, наслчилик хизмати, зооветеринария хизмати, ем-хашак билан таъминлаш, банк хизмати ва қайта ишлаш соҳаларида кооперацияни кенгайтириш йўли билан самарадорликни ошириш мумкинлиги тўғрисида И.А. Каримов асарларида [1] жуда кўп учратамиз.

Қорамоллар маҳсулдорлигига сақлаш, уларга тегишли сервис хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ омиллар таъсири ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Агросервис - бу бозор иқтисодиёти шароитида аграр соҳа тизимида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга ва шу жараёнда замонавий техника ва технологияларга асосланиб даромад келтирувчи мажмуадир [8, 48-б.]. Келтирилаётган насли қорамолларга яратиб берилаётган шароит, худудда зооветеринарияни ривожланганлик даражасига [5] қараб ҳар бир фермер ва деҳқон хўжалигидаги қорамолларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилади. Бу ўз-ўзидан соҳада рақобат

мухитини яратиб, йилдан-йилда республикамиздаги қорамоллар маҳсулдорлигини ошишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқот методологияси

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг маҳсулдорлигини иқтисодий-статистик таҳлил қилишда “таққослаш”, “индекс” ва “кўрсаткичлар фарқи” усулларидан фойдаланилади.

Иқтисодий-статистик таҳлилнинг “таққослаш” усули бир қатор адабиётларда [10, 81-б.] кенг баён этилган, қорамолчилиқ маҳсулдорлигининг омилли таҳлиliga [6] ва уни ривожлантиришга [4, 9] бағишланган илмий мақолаларда ўрганиб чиқдик ва фойдаландик.

“Таққослаш” усули - ҳисобот даврида етиштирилган чорва маҳсулотлари миқдорини базис давридаги кўрсаткичлар билан таққосланиб, унинг кўпайганлиги таъсир этувчи омиллар ва шу ҳар бир омилнинг миқдори ҳисобланиб топилади. Бу омилларга: ҳар бир бош мол ҳисобига олинган маҳсулотнинг ўзгариши ҳисобига кўпайиши (камайиши) интенсив омил ҳисобига бўлса; чорва моллар сонининг ўзгариши туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиши (камайиши) экстенсив омил орқали рўй беради.

Ҳисобот давридаги маҳсулот миқдорини базис даврига ўзгаришини чорва маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг умумий индекси (динамикаси) формуласи орқали аниқлаш мумкин:

$$J_{qS} = \frac{\sum q_1 s_1}{q_0 s_0} - \text{нисбий ўзгаришини билдиради (1).}$$

$\sum q_1 s_1 - q_0 s_0 = \pm \Delta_{qS}$ мутлақ ўзгаришини кўрсатади.

Бунда, q_1 ва q_0 – ҳисобот ва базис давридаги чорва молларининг маҳсулдорлиги (ҳар бир бош чорва мол ҳисобига олинган маҳсулот миқдори).

S_1 ва S_0 – ҳисобот ва базис давридаги чорва молларининг ўртача йиллик бош сони.

$q_1 s_1$ ва $q_0 s_0$ – ҳисобот ва базис давридаги етиштирилган жами маҳсулот миқдори (жами етиштирилган сут, гўшт ва бошқалар).

Биринчи омилнинг, яъни чорва моллари маҳсулдорлигининг ўзгариши таъсирини аниқлаш учун чорва молларининг умумий маҳсулдорлик индекс формуласидан фойдаланилади:

$$J_q = \frac{\sum q_1 s_1}{q_0 s_1} - \text{нисбий ўзгаришини билдиради (2).}$$

$\sum q_1 s_1 - \sum q_0 s_1 = \pm \Delta_q$ - мутлақ ўзгаришини кўрсатади (3).

Бунда, $\sum q_0 s_1$ – шартли маҳсулот миқдори (ҳисобот давридаги мавжуд чорва молларининг базис давридаги чорва молларининг маҳсулдорлиги ўзгармасдан қолган тақдирда етиштириш мумкин бўлган маҳсулот миқдори).

Иккинчи омилнинг, яъни чорва моллари сонининг ўзгариши таъсирини аниқлаш учун чорва молларини бош сони умумий индекс формуласидан фойдаланилади:

$$J_s = \frac{\sum s_1 q_0}{s_0 q_0} - \text{нисбий ўзгаришини билдиради. (4)}$$

$$\sum s_1 q_0 - \sum s_0 q_0 = \pm \Delta s - \text{мутлақ ўзгаришини кўрсатади. (5)}$$

Юқорида, кўриб чиқилган биринчи омил бўлган чорва молларининг умумий маҳсулдорлик индексининг суратини ($q_1 s_1$ – ҳисобот давридаги миқдори) махражга ($q_0 s_1$ – шартли маҳсулот миқдори) бўлиш орқали чорва молларининг маҳсулдорлиги ўзгариши ҳисобига шу даврдаги маҳсулот миқдори неча фоизга ошганлиги (камайганлиги) аниқланса, суратдаги кўрсаткичидан махраж кўрсаткичи айрилса, шу даврдаги маҳсулот миқдорининг чорва молларининг маҳсулдорлиги таъсири ҳисобига мутлақ кўпайиши (камайиши) келиб чиқади.

Иккинчи омил бўлган чорва молларининг бош сони умумий индексининг суратини ($s_1 q_0$ – шартли маҳсулот ҳисоби миқдори) махражи ($s_0 q_0$ – базис давридаги миқдорни) га бўлиш орқали чорва молларининг бош сонининг ўзгариши ҳисобига шу даврдаги маҳсулот миқдори неча фоизга ошганлиги (камайганлиги) аниқланса, суратидаги кўрсаткичидан махраж кўрсаткичи айрилса, шу даврдаги маҳсулот миқдорининг чорва молларининг бош сони таъсири ҳисобига мутлақ кўпайиши (камайиши) келиб чиқади.

Таҳлил ва натижалар

Агросервис- кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлаб, тармоққа доимий равишда замонавий, атроф-муҳитга зарарсиз хизматларни жорий этиб бориш энг муҳим вазифалардан биридир. Мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида 20 дан ортиқ агросервис турлари фаолият кўрсатиб, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Самарқанд вилоятида қорамолчиликда 2000-2016 йилларда жами ишлаб чиқарилган сутга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсирини таҳлил этдик (1-расм).



1-расм. Самарқанд вилоятида қорамолчиликда сут ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсири

Қорамолчилик фермер хўжаликларида сут маҳсулдорлигига таъсир этувчи омилларнинг динамик ўзгариш индекси таҳлилида бошқа барча омилларни таъсир кўрсатмайди деб ҳисоблаб, фақатгина сигирлар сони ва бир бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори омиллари ўрганилди.

Расмдан кўришимиз мумкинки, қараб чиқиладиган даврда сут ишлаб чиқариш доимий равишда ошиб борган. 2002-2010 йилларда сутнинг ошиб бориши экстенсив, яъни асосан қорамоллар бош сонининг ошиб бориши ҳисобига ошганлигини кўришимиз мумкин. 2012- 2016 йилларда вилоятда сут ишлаб чиқариш миқдорининг кўпайиши интенсив, яъни асосан соғин сигирлар сут маҳсулдорлигининг ошиб бориши ҳисобига ўзгарган. Сўнгги йилларда маҳсулдорликнинг ортиб боришини аграр соҳада йирик фермер хўжалиklarининг улушини ортиб бориши, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятида саноат корхоналарининг кириб келиши, сервис хизматлари турлари ва сифатининг ошиб бориши билан изоҳлаш мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Вилоятда сигирлар маҳсулдорлик кўрсаткичининг барқарорлигига эришиш учун – аввало қишлоқ хўжалигида барча хўжалик юритиш шаклларида кўрсатиладиган сервис турларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнига замонавий технологияларни доимий равишда жорий этиб бориш ҳисобига эришиш мумкин. Жумладан, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника таъминоти, наслчилик, зооветеринария хизмати, ем-хашак билан таъминлаш, банк хизматларини кўрсатиш ва мавжуд ички имкониятлардан интенсив фойдаланиш, чорвачилик комплексларини ташкил этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари қошида қорамолчиликни ривожлантириш, сут соғиш, сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини киритилиши ҳисобига қорамолчилик маҳсулдорлиги ва самарадорлигини оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Агросервис шахобчалари хўжаликларнинг ўзига бориб, сервис турларини жойларга етказиб бериш орқали хизматларни ривожлантириш, шунингдек “он-лайн маркет” (on-line market) хизматларини йўлга қўйиш, бу орқали янги хизмат бозорни диверсификация қилиш ва чорвадорларга пешвоз чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010.- 80 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар - биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Ўзбекистон озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ 2014 йил, 6 июн. -Т.: Ўзбекистон, 2014. 350-б.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

4. Абуруев А. Чорвачиликда ер ости сувларидан фойдаланиш масаласини тизимли таҳлили // Зооветеринария, 2010. № 2, 31-бет.

5. Abruev A.I., Rahmonov D. Some issues on improving zoological veterinary services // University of Oradea CNCSIS, cod 668, categoria, B+ Journal, Romania, 2011. №X(B). 263-268.

6. Abruev A.I., Murtazaev O. Productivity change analysis of cow's milk in Uzbekistan. // Spanish Journal of Rural Development (SJR). - Spain, 2013. -№ IV(3). pp. 63-72.

7. Abruev A.I., Babakholov Sh.B., Mirzaev D.A. The Role of Economic Reforms in the Development of the Livestock Sector in Uzbekistan // American Journal of Business, Economics and Management. 2015; 3(6): pp. 408-411.

8. Мирзаев Қ.Ж. Агросервис самарадорлигини баҳолаш методологияси // Иқтисодиёт ва таълим.-Т., 2013, 47-51-б. №1.

9. Муртазаев О., Ибрагимов Ғ., Аbruев А. Агросервис корхоналари фаолияти самарадорлиги // Сервис илмий-оммабоп журнали, 2011. № 1, 29-32 б.

10. Хўжакулов Х., Хожиев Я., Султонов А. Корхона статистикаси (қишлоқ хўжалиги). Ўқув қўлланма. - Т.: Молия институти босмаҳонаси, 2006 й. 235-б.

11. Ҳафизов И.И., Абдурайимов Д.М., Ҳафизов А.И. Чорвачилик соҳаларини янада ривожлантириш, наслчилик ишларини яхшилаш, зооветеринария сервис хизмати сифатини ошириш, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш. Қўлланма. - Т.: “ADA service Navoiy” МЧЖ, 2013. 92-б.